

АХБОРОТ ХАТИ

**“Қишлоқ ва сув хўжалигида инновацион технологияларни қўллаш
самарадорлиги” Ҳалқаро конференциясини ўтказиш тўғрисида**
(Бухоро, 2022 йил 24-25-февраль)

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұҳандислари
институти” Миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш
институти, Айова давлат университети, Вайоминг университети, Обуда
университети, Сзегеда университети, Ломоносов номидаги МДУ Душанбе
Филиали, МСУ университети, ИНТИ университети, Пардью университети, Евроазия
Инновацион университетлари билан ҳамкорликда 2022 йил 24-25-февраль
кунлари “Қишлоқ ва сув хўжалигида инновацион технологияларни қўллаш
самарадорлиги” ҳалқаро конференцияси ўтказилади.

Конференциянинг йўналишлари:

- 1 – Яшил ва тежамкор дехқончилик
- 2 – Ландшафт ва экология мұҳандислиги
- 3 – Сув ресурсларини бошқариш, ирригация ва мелиорация
- 4 – Тупроқни текшириш, тозалаш ва қайта ишлаш
- 5 – Қишлоқ тараққиёти учун экологик тоза ёндошувлар
- 6 – Барқарор дехқончилик учун техникани лойиҳалаш

Асосий саналар:

Мақолаларни қабул қилиш – 2022 йил 15-февралгача

Мақола қабул қилинганлигини тасдиқлаш – 2022 йил 20-февралгача

Ташкилий бадални тўлаш – 2022 йил 23-февралгача

Конференцияни ўтказиш – 2022 йил 24-25-февраль

Мақолаларни ёзиш ва расмийлаштиришига талаблар:

Конференцияда иштирок этиш учун тугалланган илмий-тадқиқот ишлари
асосида инглиз тилида равон ёзилган ва қуйида кўрсатилган талабларга мос
келадиган мақолалар қабул қилинади. Тақдим этилган материаллар оригинал ва
конференциянинг йўналишларига мос бўлиши керак.

- мақолалар танланган нашриёт томонидан тақдим этилган намуна бўйича ва
талабларга қатъий амал қилган ҳолда расмийлаштирилиши керак;
- мақолалар инглиз тилида равон ёзилган бўлиши керак (хато ва ғализ таржима
қилинган мақолалар четлаштирилади);
- мақола ҳажми 4-6 бет оралиғида бўлиши керак (камидан тўлиқ 4 бет).
- мақолада қуйидаги бўлимлар бўлиши керак: Abstract, Key words, Introduction,
Methods, Results and Discussion, Conclusion ва х.к.
- ҳаволалар нашриёт талабларига қатъий амал қилган ҳолда расмийлаштирилиши
керак (конференция сайтидаги намуналарга қаранг), индексацияланадиган
ҳалқаро базалардаги чоп этилган ишларга ҳаволаларқилиш тавсия этилади;

- ўлчов бирликларини кўрсатишида ҳалқаро стандарт ўлчов бирликлардан, ўнли касрларни кўрсатишида эса нуқтадан фойдаланинг (масалан, 0.002);
- фойдаланилган адабиётлар рўйхатида муаллифлар кўпи билан 2 та ўз мақолаларига ҳаволалар қилишига рухсат этилади.

Барча мақолалар тақриздан ўтказилиб, кўчирмачилик (плагиат) ва ортиқча ўзига-ўзи ҳавола бериш ҳамда расмийлаштиришга мослиги ва оригиналлиги бўйича текширилади. Тақриздан ўтган мақолалар журналда чоп этиш учун қабул қилинади. Кўчирмачилик (плагиат)га текшириш якуний босқичда тўлов қилингандан сўнг *IOP Conference Series: Materials Science and Engineering / Earth and Environmental Science* журнали мухаррирлари томонидан амалга оширилади. Шу сабабли кўчирмачилик (плагиат) аниқланиб четлаштирилган мақолаларнинг бадал пуллари муаллифларга қайтарилмайди.

Чоп этишга юборилган мақолаларни ёзишнинг расмий тили –**инглиз тили**.

Конференция якуни бўйича мақолалар нашр ишлари бўйича ҳамкор «СибиЗдатСервис»МЧЖ кўмагида **Scopus** базасида индексацияланадиган журналда чоп этилади. Конференцияда бевосита ва сиртдан иштирок этадиган барча иштирокчилар журналда чоп этиш учун мақолаларини AEGIS@ortum-publish.ru электрон почтаси орқали тақдим этишлари сўралади.

Ташкилий бадал:

Журналда битта мақолани чоп этиш учун ташкилий бадал (евро):	бевосита қатнашиш	сиртдан қатнашиш
Scopusбазасида индексацияланадиган IOP Conference Series: Materials Science and Engineering / Earth and Environmental Sciencesжурнали	140€	140 €
<i>Мақолалар қабул қилингандан сўнг, мақола юборилган электрон почталарга ташкилий бадални тўлаш учун банк реквизитлари кўрсатилган тўлов топшириқномалари жўнатилади.</i>		

Нашр ишлари бўйича ҳамкор томонидан мақолаларни инглиз тилига таржима хизмати кўрсатилади. Таржима хизмати учун тўлов мақолалар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади. Бунинг учун мақолани AEGIS@ortum-publish.ru электрон манзилига юбориш сўралади ва сизга таржима хизмати бўйича хабар жўнатилади.

Институт манзили: 200109, Бухоро шаҳри, Газли шоҳ кўчаси 32, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти” Миллий тадқиқот университети (“ТИҚХММИ” МТУ БухТРБИ)

Масъуллар:

“ТИҚХММИ” МТУ Бухоро ТРБИдан – Жўраев Фазлиддин Ўринович, “Илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари”, тел.: +99865-228-84-95; моб.: +99891-440-90-70. e-mail: fjuraev66@mail.ru

«СибиЗдатСервис» МЧЖдан - Мартюшев Никита Владимирович, e-mail: AEGIS@ortum-publish.ru, info@sib-publish.ru, тел.: +7-923-44-350-44.